



Олий БАҲ

ГАЗЕТА 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ


2005 йил 29 январ, шанба № 17 (1858)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИМИЗ - ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ЯНГИЛАШ, МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ИСЛОҲ ЭТИШДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги

МАЪРУЗАСИ



Хурматли депутатлар! Қадрли дўстлар! Авваламбор, сиз, азизларни Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзоси деган юксак номга, халқимиз ишончига сазовор бўлганингиз билан таъриқлаб, барчангизга ўзимнинг хурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни билдиришга рухсат бергайсиз.

Илк бор икки палатали парламентга бўлиб ўтган сайловлар Ўзбекистоннинг янги тарихида алоҳида, гоёмухим ўрин эгаллади, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайд.

Конституциямиз, республикамизнинг сайлов қонунчилиги талаблари ҳамда халқаро меъёр ва қоидаларга тўлиқ амал қилган ҳолда, очкилик ва сиёсий бағрикенглик шароитида ўтган сайловлар мамлакатимиз демократик қурилиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил қадамлар билан илгари болаётганининг яна бир ёркини далили бўлди.

Бугун Ўзбекистонда бўлиб ўтган сайловларга ақун ясар эканмиз, куйидаги хулосаларни чиқаришимизга тўлиқ асос бор.

Биринчидан, ушбу сайловлар биз учун чинакам демократик тамойиллар, сайловнинг меъёр ва механизмларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда яхши мактаб вазифини ўтади.

Иккинчидан, мамлакатимизда икки палатали парламентга сайловлар ўтказиш бўйича қабул қилинган кўп жиҳатдан ўзига хос

тизим ҳамда сайловлар жараёнининг ўзи республикамизда фаолият юритаётган қисий партиялар, жамоат ташкилотларининг кескин жонлангани ва фаоллигини кучайтиришда, айтиш кераки, уларнинг масъулияти ортишида гоёмухим кучли омил бўлди.

Сайловларда қатнашган барча сиёсий партияларнинг қонунга мувофиқ равишда бугун парламентнинг Қонунчилик палатасида ўз фракцияларини ташкил этиш учун етарли ўринга эга бўлганининг ўзи ҳам уларнинг сайловчилар томонидан муносиб эътироф этилганидан далолат беради.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳлари томонидан Қонунчилик палатасига кўрсатилган 54 та номзоддан 12 нафар мустақил депутат сайлангани ҳам алоҳида эътиборга лойик, деб ўйлайман.

Учинчидан, сайловларни ўтказиш жараёнида сайловчиларимиз ўзларининг сиёсий ва фуқаролик савияси етуклигини, ўз хаёти, ўз келажagini умумэтироф этилган демократик қадриятлар асосида қуришга қодир эканликларини намоён этдилар.

Тўртинчидан, бўлиб ўтган сайловлар яна бир ҳажакатни яққол тасдиқлади: мамлакатимизнинг демократик янгилиши ва эркин ижтимоий тузумга хос бўлган барча асосий қадриятларни ўзида мужассам этган фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги босқичма-босқич, изчил ҳаракати ҳозирги кунда ҳеч қандай куч тўхта олмайдиغان муқаррар, қонуний

жараёнга айланди. Шундай деб айтишга бугун бизнинг барча асосларимиз бор.

Ва ниҳоят, бўлиб ўтган сайловлар аввалгиларидан наинки - очкилиги ва кескин кураш олиб борилиши билан, балки, аввало, ақсарият сайловчиларнинг бу жараёнлардан ҳар томонлама хабардорлиги, уларга онгли муносабати билан ҳам тубдан фарқ қилди.

Фуқароларимиз сайловларга мамлакатимиз хаётидаги энг муҳим, жамиятимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти-

га, демакки, ҳар бир сайловдаги тақдирга таъсир кўрсатадиган сиёсий воқеа сифатида ёндашдилар. Бу ҳам бизнинг энг катта ютуқларимиздан биридир.

Бугун мен Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биринчи қўшма мажлисида сўзга чиқар эканман, асосий мақсадим - жамиятимизни демократлаштириш ва янгилашнинг концепциясини, шунингдек, мамлакатимизни 2005 йил ва келгуси даврда модернизация ва ислох этиш бўйича олдимизга қўйиладиган асосий вазифаларни қисқача баён этишдир.

Бизнинг асосий ўзоқ муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади - бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан олишмай, изчил ва қатъият билан боришдир.

Мамлакатимизни ривожлантириш стратегияси ҳақида гапирганда, шунингдек, таъкидлаш керакки, «бўшқариладиган иқтисод» ёки «бўшқариладиган демократия» деб аталмиш моделлар бизга мутлақо тўғри келмайди.

Албатта, биз, аввалгидек, давлат ва жамиятни ислох этиш ҳамда модернизация қилишда ўзбек моделининг муҳим таркибий қисми бўлган босқичма-босқичлик тамойилига бундан буён ҳам қатъий амал қиламиз. Аммо, мустақил тараққиётимизнинг ўтган даврида ўзини оқлаган бу тамойилнинг юқорида тилга олинган моделларга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Биз бугунги кунда минтақамизда яшаётган халқлар гўёки ҳали демократия учун тайёр эмас, бу борада «пишиб етилмаган», улар олдин камбағаллик ва қашшоқлик билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишлари зарур, шурунда кейингина демократия қуриш, сиёсий ва иқтисодий ислохотлар учун шарт-шароит юзага келади, деган гапларни ҳам кўп эшитамиз.

Бундай баёнот ва ёндашувлар - аввало, тарихий билмаслик, халқнинг бунёдкорлик салоҳиятига, куч-қудратига ишонмаслик, айтиш мумкинки, ҳозирги зунми жадаллик билан ўзгартириб бораётган объектив, глобал жараёнларни тушунамслик натижасидир.

Бугун, ҳамма бўлмаса ҳам, лекин кўпчилик одамлар яхши англайдикки, фақат замон билан тенг қадам ташлаётган, тез ўзгараётган дунёнинг қатъий шарт ва талабларига жаов беришга интилаётган мамлакатнинг келажаги ёруғ бўлиши мумкин.

(Давоми 2-3 бетларда)

Биз тадрижий, яъни эволюцион изчиллик хусусиятларига эга бўлган ислохот ва ўзгаришлар тарафдоримиз. Фақат бу янгилишлар ижтимоий муносабатлар ва турмуш тарзининг ўзгариши, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда амалга оширилиши даркор.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

28 январ кунин Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислом Каримов иштирокида

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотлари раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатик корпуснинг бошқа вакиллари, мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўдилар.

Мажлиси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери Э.Халилов бошқарди.

Кун тартиби тасдиқлангандан сўнг депутатлар ва сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз вазифаларини топиши тўғрисида ариза-сўраш қилиб чиқди ва уни қондириб, янги ҳуқуқат таркиби шакллангунча ҳуқуқатга ўз вазифасини бажариб туришни топширди.

Қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислом Каримов давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатидаги, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни чуқурлаштириш соҳасидаги асосий вазифалар тўғрисида маъруза қилди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Олий Мажлисига кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига Ш.Мирзиёев номзодини тавсия этди.

Президент Ислом Каримов маърузаси ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига номзод бўйича муҳокамада Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси раҳ-

бари, депутат А.Шодмонов, Кўқон шахри хокими, сенатор М.Усмонов, Ўзбекистон Халқ-демократик партияси фракцияси раҳбари, депутат А.Рустамов, Навоий конметаллургия комбинати ва чет директори, сенатор Н.Кучерский, Фидокорлар миллий демократик партияси фракцияси раҳбари, депутат А.Турсунов, Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раиси, сенатор Б.Убайдуллаев, «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси раҳбари, депутат Х.Дўстмухамедов, Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими раиси, сенатор Н.Аймбетов, «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси раҳбари, депутат Д.Томмухамедова иштирок этди.

Сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислом Каримов маърузасидаги қоида ва хулосаларни тўлиқ қўллаб-қувватлади ҳамда Президент томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига тавсия этилган Ш.Мирзиёев номзодини маъқулади. Давлатимиз раҳбари маърузаси юзасидан Олий Мажлис палаталарининг қўшма қарори қабул қилинди.

Парламент палаталари Ш.Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири этиб тасдиқлади ва палаталарнинг тегишли қарорини қабул қилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси ниҳоясига етди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қ А Р О Р И

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикерини сайлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қ а р о р қилади:

1. Эркин Ҳамдамович Халилов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери этиб сайлансин.
2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлисида раислик қилувчи, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси

Б.МУСТАФОЕВ

Тошкент шаҳри, 2005 йил 27 январ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қ А Р О Р И

А.А.Каримовни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери ўринбосари этиб сайлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қ а р о р қилади:

1. Акрам Аббасович Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери ўринбосари этиб сайлансин.
2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлисида раислик қилувчи, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси

Б.МУСТАФОЕВ

Тошкент шаҳри, 2005 йил 27 январ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қ А Р О Р И

М.Сафаевани Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери ўринбосари этиб сайлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қ а р о р қилади:

1. Машхура Сафаева Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери ўринбосари этиб сайлансин.
2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлисида раислик қилувчи, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси

Б.МУСТАФОЕВ

Тошкент шаҳри, 2005 йил 27 январ

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Сенатининг Қ А Р О Р И

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг

Раисини сайлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати қ а р о р қилади:

1. Мурот Шарифхўжаев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси этиб сайлансин.
2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлисида раислик қилувчи, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси

Б.МУСТАФОЕВ

Тошкент шаҳри, 2005 йил 27 январ

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Сенатининг Қ А Р О Р И

Ф.Ф.Мухитдиновани Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари

этиб сайлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати қ а р о р қилади:

1. Фарруха Фахриддинова Мухитдинова Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари этиб сайлансин.
2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлисида раислик қилувчи, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси

Б.МУСТАФОЕВ

Тошкент шаҳри, 2005 йил 27 январ

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Сенатининг Қ А Р О Р И

М.Т.Ерниязовни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

Сенатининг Раиси ўринбосари этиб сайлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати қ а р о р қилади:

1. Муса Тажетдинович Ерниязов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари этиб сайлансин.
2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлисида раислик қилувчи, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси

Б.МУСТАФОЕВ

Тошкент шаҳри, 2005 йил 27 январ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик

палатасининг Қ А Р О Р И

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири

номзодини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қ а р о р қилади:

1. Шавкат Миромонович Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Бош вазири этиб тасдиқлансин.
2. Ушбу Қарор Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилсин.
3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери

Э.ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри, 2005 йил 28 январ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қ А Р О Р И

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири

номзодини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати қ а р о р қилади:


1. Шавкат Миромонович Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Бош вазири этиб тасдиқлансин.
2. Ушбу Қарор Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилсин.
3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси

М.ШАРИФХЎЖАЕВ

Тошкент шаҳри, 2005 йил 28 январ

ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ



- Одам, одамнинг тафтини кўтарди. Қорасув шахар Аҳмад Ясавий маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоли Қозокбой Жумабоев ана шу гапни тез-тез такрорлашни хуш кўради. Шунданми, донм маҳалладошларининг ҳожатини чиқариш орзусида куйиб-пишиб юради. Йўқлаганимизда, «Шаҳаргазта» минот» идораси томонга шошилаётганини айтишди.

Афсуски, у ерда ҳам ёшулли билан учрашишнинг имкони бўлмади. Ниҳоят шахар ҳокими қабулхонасида оқсоқол билан дийдорлашди. Маҳалладаги ишсиз ёшларни муқим иш билан таъминлаш масаласида кенгашигани келганини айтди.

Оқсоқол оқил, тadbиркор бўлса маҳаллада тинчлик-осойишталик, меҳру оқибат устувор бўлади. Файзу-барак аримайди. Ободончилик, савобли ишлар қулоч ёёверади.

Аҳмад Ясавий маҳалласи Қорасув шаҳридаги аҳоли гавжум, обод мазеаларидан биридир. 4000 мингга яқин фуқаролар истиқомат қилади. Касб-хунар коллежи, шошилинч тез тиббий ёрдам маркази мустақиллик йилларида қад кўтарди. Ҳолбуки, илгарилари ёшлар касб-хунар ўрганиш учун вилоят марказига боришга мажбур эди. Уқу-хунар даргоҳи, янги шифо масканини барпо қилишда маҳалланинг каттаю-кичиги ҳашар йўли билан беминнат ёрдам кўрсатди. 2 километрли узунликдаги тоза ичимлик сув қувурини тортиб келиш юмушларида маҳалла аҳли ёнма-ён туриб меҳнат қилди.

Аҳолини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашнинг муҳим шарти-хусусий тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш, янги иш ўринлари яратиш қабили яхши йўлга қўйилган.

Муниҳон Жумабоевнинг

МАҲАЛЛАДА ТИКУВ ЦЕХИ



Маҳалладаги тикув цехида ишлаётган аёллар

Бугуннинг одамлари

билан ҳамкорликда, ишламай, ўқимай юрган ёшларни ҳамда уй бекаларининг бошларини қовуштириб, маҳаллада тикув-бичув цехи очди. «Бандлик» бўлими томонидан ишловчилар учун стипендия ажратилди. Хозирда янги цехда 12 на-

фар хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Қиз-жувонлар қўлидан чиқаётган бежирим либосларга харидор сероб.

Оқсоқол Мирфозил Рўзибоевнинг гулдек хунари борлигини биларди. Уни йиғин биносига чорлади. Касб-хунар коллежида ўнлаб ёшлар ҳайдовчилик касбининг эгаллаётганликларини айтиб, машиналарга техник хизмат кўрсатиш устaxonаси очилди. Ниҳоят амалга ошди. Бугунги кунда бу ерда 10 нафар шахарлик ёшлар ишламоқда.

«Устоз-шогирд» тизимини ривожлантиришда ҳам маҳалла фуқаролар йиғинининг роли катта бўлапти. «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шахар бўлими, «Бандлик» бўлими билан биргаликда меҳнат ярмаркалари ўтказилди. Унда 178 нафар фуқаро иш билан таъминланди. Масалан, Лазизбек Ғуломов 36-автобус саройида ҳуқуқшунос вазифасида ишлаб келмоқда. Абдумуталлиб Усмонов шахар суғурта идорасига бош ҳисобчилик лавозимига ишга юборилди. Дилафрўз Тўланова эса саноат комбинатининг пешкадам ишчиларидан биридир.

Ишсизликнинг олдини олиш, меҳнат муносабатларини тартибга солишда тармоқ касабга уюшмалари, хусусан, давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари тармоқ кўмитасининг иштироки бизни қизиқтирди. Шу мақсадда кўмита раиси Қаҳоржон Аҳмедов билан учрашдик.

Кўмитамиз атрофига 20 га яқин бошланғич ташкилот жамланган бўлиб, - дейди суҳбатдошимиз. - Меҳнат шартномалари орқали ходимлар манфаатини муҳофаза қилишимиз. Кичик тadbиркорлик

он 801 минг сўм соф фойда олишни кўзлаб бизнес режа ишлаб чиқди. Ушбу режа асосида 1 миллион 675 минг сўм кредит олган корхона хомашё захирасини кўпайтириш имкониятига эга бўлди. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳисобига яна 28 та иш ўрни очилди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Бу ерда яна шуни ҳам эслатиб ўтиш жоизки, - деди шахар товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палатаси раиси Ғофур Саидалиев, - палатамиз мутахассислари, «Йи-

жойжамғармабанк» ходимлари ҳужжатларни ҳамда тadbиркорларнинг келгуси режаларини, имкониятларини чуқур ўрганганликлари боис кредит маблағларини бошқа мақсадларда ишлатиш, тўловларни кечиктириш ҳоллари юз бермапти.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми ва турини кўпайтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган «Соқимпекс» очик турдаги хиссадорлик жамияти ҳам икки йил мобайнида кредит орқали 5 милли-

ҳоват, Суvsултон, Тўдамайдон қишлоқларидаги йўлларга тош тўкиб текисланди. Яна бир эътиборга молик жиҳат шуки, кейинги йилларда Тўдамайдон ва Қўшқанот қишлоқларида гузарлар ташкил этилиб, уларда ошхона, чойхона, сартарошхона, алоқа бўлими, дўканлар, автоташкилотларга хизмат кўрсатиш шохобчалари иш бошланди. Натижада 50 дан ортиқ киши ишга жойлашди.

Маҳаллалараро турли тadbирлар ўтказиш ҳам яхши йўлга қўйилган. «Намунали маҳалла», «Намунали хонадон» танловлари шулар жумласидандир. Ойиларда осойишталигини таъминлашда маҳалла яраштирув комиссияларининг хизмати катта бўлмоқда. Комиссия аъзолари Озод Нарзуллаев, Шариф Ибрагимов, Ойбек Файзуллаевлар оилалардаги хар хил келишмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида астойдил иш олиб боришди.

Хайрулла ТўРАЕВ

Эски маъмурий-тақсимот тизими қолипларидан бутунлай воз кечиш, давлатнинг иқтисодий-тарғиблик аралашувини янада чеклаш, эркин тadbиркорлик фаолияти учун амалий қадамларни таъминлаш, иқтисодий ва бизнесни барқарор ривожлантириш, тўлақонли бозор инфратузилмасини шакллантириш йўлидаги мавжуд ғов-тўсиқларни бартараф этишимиз зарур.

(Президент Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан)

ҳамда аҳолини ўзини-ўзи иш билан таъминлаш соҳасида ташкилотимиз иш берувчилар билан самарали ҳамкорликни қилди. Шаҳар ҳокимлиги оталигида кейинги йилларда 26 та кичик корхона очилди. Натижада 174 та янги иш ўринлари яратилди.

Оқсоқол ишбилармонлиги билан шахарликлар оғирини енгил қилаётган тadbиркорларни фахр билан тилга олди. Бақиржон Раҳимов бошлиқ «Зиёда» кичик корхонаси томонидан ишлаб чиқарилаётган катталар ва болалар пайпоқлари Фарғона водийсида қўлма-қўл. Корхона 15 нафар ёшларни бағрига олган. Ботиржон Мамадалиев сармосия билан иш бошлаган «Автобан» корхонаси вилоятдаги қишлоқ ва шахарларни ободонлаштиришга катта ҳисса қўшмоқда. Корхона йўл тўшамалари учун асфальт ишлаб чиқаришга иختисослашган.

Шаҳарда «Устоз-шогирд» тизимида амалга оширилаётган тadbирлар кенгайиб борапти. «Бандлик» бўлими томонидан «Маҳалла» хайрия жамғармаси билан биргаликда шахар ёшлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш йўли орқали ишсизликнинг олдини олиш юзасидан тadbирлар ишлаб чиқилган.

Ш.ҚОСИМОВА, чевар



Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

БУ ДЕҲҚОН УЙЛАРИ!

Пахтакор туманидаги «Самарқанд» агрохизмат маркази ҳудудида фаолият юритаётган Анорбой Эшматов бошчилик қилаётган «Анвар-А» фермер хўжалиги энг рентабелли жамоалардан бири. Тadbиркорлар ўтган йилни қарийб 20 миллион сўм соф фойда билан яқунладилар.

Анорбой Эшматов биринчилардан бўлиб фермер хўжалиги ташкил этди. Хўжаликдан 75 гектар ер олиб, пахта ва галла етиштириб келмоқда. У қарийб йигирма бир йил чўлда пахтачилик бригадасини бошқарди. Суяги меҳнатда қотганлардан. Ҳали мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ ерга меҳр қўйган эди. Чунки отаси ҳам кўп йиллар шу хўжаликда бригадир бўлиб ишлаган. Мутахассислиги иқтисодчи бўлган деҳқон фарзанди мустақил

хўжалик юритишда ҳам энг олдинчилардан бири бўлди. Фермер хўжалигида пахта ҳосилдорлиги 49, галланики эса 60 центнерга кўтарилди. 2003 йили экин майдонларини 108 гектарга кенгайтирди. Утган йилги натижалар ҳам чакки бўлмади. Олаётган даромадлари эвазига 2 та ҳайдов трактори, плуг, культиватор, экиш секичалари, чопиқ трактори сотиб олишди.

Фермер хўжалиги аъзолари яхши ишлаб, яхши яшаётганлардан. 30 нафар қишлоқ

ёшлари иш билан таъминланди. Ишчиларнинг рўзғоридан кўнгли тинч. Йил ўн икки ой далада хотиржам меҳнат қилишмоқда. Дала бошида барча қулайликларга эга дала шийони бор. Шийон олдига боғ ташкил этилган. Турли ноз-нәматлар фермер боғида етиштириляпти. Икки гектар майдонда теракзор барпо қилинган. Эътиборлиси шуки, миришкорлар эксан тераклар замонавий уйларга ярамоқда. Олди экилган дарахтлар қурилишбоп бўлиб қолди. Қишлоқ мўлкдори Анорбой Эшматов саховатпеша инсонлардан. Қишлоқдаги 8 та кам таъминланган оилаларни оталиққа олган. Утган йилги бугдой ҳосилидан ҳар бир оилага 500 килодан дон берилди. Шунингдек, агрохизмат маркази ҳузуридаги «Гўзал» мактабгача таълим муассасасига ҳомийлик қилиб келяпти. Уларга фермер хўжалиги далаларида етиштирилаётган полдиз ва сабзавот маҳсулотлари инъом этиляпти.

Эл-юрт фаровонлиги йўлида ҳалол меҳнат қилган киши обрў-эътибор топади. Ташаббускор фермер Анорбой Эшматовнинг самарали меҳнати муносиб тақдирланмоқда. Унга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими» унвони берилган.

Бўрибой НОРҚУЛОВ, «Ишонч» мухбири

ИСТЕЪМОЛ БОЗОРINI СЕРОБ ҚИЛАЁТГАНЛАР

Олмалик шаҳрини ободонлаштириш, халқ эҳтиёжи моллари ва кундалик харид маҳсулотларини кўпайтиришда хусусий тармоқнинг роли катта бўлаётди. Хусусан, тadbиркорлик ривожланиб, халқ эҳтиёжи ва талабига мос сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда, янги кўркем иншоотлар бунёд этилиб, шахар кўчалари кўркемлашиб борапти. Бунда тadbиркорларга берилаётган кредитларнинг ҳам ўзига хос ҳиссаси борлигини айтиб ўтиш жоиздир.

Биргина «Йўйжамғармабанк»нинг ўзи 2004 йил 41 та тadbиркорлик субъектига кредит ажратди. Буларнинг кўпчилигини кичик корхоналар ва хусусий тadbиркорлик билан шуғулланувчилар ташкил этди. Йил мобайнида ажратилган жами кредитлар эса 377 миллион 500 минг сўмни ташкил этган бўлса, шундан 149 миллион 400 минг сўми кичик корхоналар учун ажратилди. Бу маблағ-

ларнинг ҳаммаси тармоқни ривожлантириш, бугунги кун талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда маҳсулотлар ишлаб чиқариш, янги иш ўринлари ташкил этишга сарфланмоқда. Хукуматимизнинг тadbиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тadbирлар тўғрисидаги қарори дастуриламал бўлгани ҳолда, тadbиркорлик субъектларига ажратилган маблағларнинг ҳаммаси халқ турмуш фа-



Сўнгги йилларда ўзини ўзи бошқариш органи фаолиятига катта эътибор қаратилмоқда. Бу фуқаролар йиғини фаолиятини ривожлантиришда кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Ана шу имкониятлардан кенг фойдаланаётган Шаҳрисабз туманидаги «Тўдамайдон» фуқаролар йиғини фаолияти маҳаллаларда маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, табиий газ ва ичимлик сув таъминотини яхшилаш, ёрдамга муҳтож оилаларни ижтимоий ҳимоялаш каби муҳим ишларни амалга оширмоқдалар.

«ҚўШҚАНОТ» ГУЗАРИ унда ўндан ортиқ маданий-маиший хизмат шохобчаси фаолият кўрсатаяпти

Фуқаролар йиғини саъй-ҳаракати билан ҳудуддаги Суvsултон, Қўшқанот, Саховат, Оқолтин қишлоқларида табиий газ қувурлари тортил-

ганлиги аҳолини ғоятда хушнуд этди. 5 та жойда ишлаётган қудуқлар эса аҳолини ичимлик суви билан таъминлашга хизмат қилмоқда.

Қишлоқларни ободонлаштириш ҳам маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятининг эътиборидан четда қолмапти. Хусусан, кейинги пайтда Са-



Сўнгги йилларда ўзини ўзи бошқариш органи фаолиятига катта эътибор қаратилмоқда. Бу фуқаролар йиғини фаолиятини ривожлантиришда кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Ана шу имкониятлардан кенг фойдаланаётган Шаҳрисабз туманидаги «Тўдамайдон» фуқаролар йиғини фаолияти маҳаллаларда маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, табиий газ ва ичимлик сув таъминотини яхшилаш, ёрдамга муҳтож оилаларни ижтимоий ҳимоялаш каби муҳим ишларни амалга оширмоқдалар.

ҳоват, Суvsултон, Тўдамайдон қишлоқларидаги йўлларга тош тўкиб текисланди. Яна бир эътиборга молик жиҳат шуки, кейинги йилларда Тўдамайдон ва Қўшқанот қишлоқларида гузарлар ташкил этилиб, уларда ошхона, чойхона, сартарошхона, алоқа бўлими, дўканлар, автоташкилотларга хизмат кўрсатиш шохобчалари иш бошланди. Натижада 50 дан ортиқ киши ишга жойлашди.

Маҳаллалараро турли тadbирлар ўтказиш ҳам яхши йўлга қўйилган. «Намунали маҳалла», «Намунали хонадон» танловлари шулар жумласидандир. Ойиларда осойишталигини таъминлашда маҳалла яраштирув комиссияларининг хизмати катта бўлмоқда. Комиссия аъзолари Озод Нарзуллаев, Шариф Ибрагимов, Ойбек Файзуллаевлар оилалардаги хар хил келишмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида астойдил иш олиб боришди.

Хайрулла ТўРАЕВ

БАҲТИ КУЛГАН КИШИЛАР

Юртбошимиз ер ўз эгасига топширилгандагина қишлоқ хўжалигида қутилган натижага эришиш мумкинлигини таъкидлаб келадилар. Ҳақиқатан ҳам деҳқонда эғалик, ҳақиқий мўлкдорлик ҳисси пайдо бўлсагина соҳани ривожлантириш мумкин. Шу боисдан республикамизда кейинги йилларда фермерлик ҳаракати, пудрат асосида ишлаш кенг қанот ёзди. Экин майдонларидан омилдорлик билан фойдаланиб, юксак кирмон кўтарётган ва бу билан юртимиз фаровонлигини оширишга муҳим ҳисса қўшаётган минглаб ер эгалари фаолияти бунинг ёркин исботидир.

Ширкат хўжалигимиз тумандаги энг катта хўжаликлардан бири ҳисобланади. Бизда асосан пудрат асосида иш олиб борилади. Айтишим кераки, ер пудратчиларга топширилгандан сўнг хўжалигимизда катта ўзгаришлар руй берди. Меҳнатдан манфаатдорлик тўғриси бизни бебаҳо бойлик - ердан самарали фойдаланишга ундади. Натижада оила аъзоларимиз, яқинларимиз билан тер тўкиб меҳнат қилдик. Ерни боқсанг - ер сени боқаркан. Шу боис тўзда мактоғва лойиқ муваффақиятлар ҳам кўзга ташлана бошлади. Хусусан, ўтган йили эришган ютуқларимиз чакки бўлмади. Йил бошида хўжалик раҳбариятидан тортиб, пудратчиларга ўз олдидиларига эзгу мақсад қўйиб фидокорона меҳнат қилишди. Деҳқонларимиз мавжуд 922 гектар пахта майдонининг барчасига эрта баҳордан юқори навли чигит экиб, агротехника қоидалари асосида парварши қилдилар. Натижада мўл ҳосил яратилди. Жамоа аъзоларининг юзи ёруғ бўлди. Айниқса, илгор пудратчилардан Обиджон Исоқов, Аъзамжон Ҳасанов қабилад қўлчиликка ибрат кўрсатиб, шартномавий режими ортиги билан бажардилар. Ҳосилдорлик эса ўртача 33 центнерни ташкил этди.

адамнинг бўламан. Хўжалигимизда деҳқонлар, миришкорлар меҳнати қадрланиб келинаётди. Масалан, 23 та дала шийониди йил давомида барча шарт-шароитлар яратилган бўлади. Мавсумий ишловчиларга бепул иссиқ овқат берилади. Меҳнаткашларни моддий рағбатлантириш, бепул сихатгоҳ йўлланмалари билан таъминлашга хўжалигимиз касабга уюшма кўмитаси раиси Набижон Воҳидов бош-қош бўлаётди. Бундан ташқари, ўтган йили касабқўм томонидан кам таъминланган оилалар, ноғиронлар ва ишчи-ҳодимларга 1 миллион 11 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Касабга уюшма кўмитаси ташаббуси билан ҳудуддаги 100 ўринга мўлжалланган болалар ёзги оромоғида ўнлаб фарзандларимиз мириқиб дам олишди. «Ропқон» сихатгоҳида эса 70 нафар ишчи соғлигини тиклади.

2004 йилги галла мавсумида 3,5 минг тонна сара дон етиштирдик. Даромадга яраша буюмад деғанларидек, 256 тонна дон кам даромадли оилалар, ноғиронлар, ёлғизларга ҳамда пудратчиларга бепул тарқатилди. Хуллас, бу каби хайрли юмушлар иш самарадорлигини оширишда асосий омил бўлмоқда. Энг муҳими эса ер ўзининг ҳақиқий эгалари қўлида.

Бундай юқори натижаларга эришишда меҳнаткашлар хар томонлама рағбатлантирилганини ҳам омил бўлди, десам

Расулжон ИСМОИЛОВ, Бешарик туманидаги М.Мадаминов номли ширкат хўжалиги пудратчиси

